

Биз билан намозда ҳозир бўлдингми?

18:08 / 18.05.2018 3210

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келиб: «Эй Аллоҳнинг расули, мен ҳадд(га лойиқ иш) қилиб қўйдим, уни менга қоим қилинг », деди. Намоз вақти бўлиб қолган эди, у Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан намоз ўқиди. Қачонки, намозни ўқиб бўлингач: «Эй Аллоҳнинг расули, мен ҳадд(га лойиқ иш) қилиб қўйдим, менга Аллоҳнинг Китоби(даги ҳукм)ни қоим қилинг», деган эди, у зот: «**Биз билан намозда ҳозир бўлдингми?**» дедилар. У киши: «Ҳа, бирга эдим», деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Батаҳқиқ, сенинг гуноҳларинг кечирилгандир**», дедилар.

Муттафақун алайҳ.

«Ҳақиқий шаръий жазо»дан мақсад зино ва ароқ ичгандаги ва бу иккисидан бошқа ҳад (шаръий жазо) эмас. Балки таъзир маъносидаги жазодир. Чунки зино ва ароқ ичгандаги жазо намоз билан соқит бўлмайди ҳамда имомнинг у жазони тарк қилиши ҳам жоиз эмас.

Изоҳ: Набий алайҳиссалом намоз туфайли бу гуноҳнинг кечирилганини айтганлари ва жазоламаганларидан келиб чиқиб, имом Нававий ва бир гуруҳ уламолар бунинг гуноҳи сағира бўлганини айтишган.